Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2014-yil 29-mart, shanba № 40 (3389)

ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ МИНТАҚАВИЙ АКСИЛТЕРРОР ТУЗИЛМАСИ КЕНГАШИНИНГ ЙИГИРМА ТЎРТИНЧИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Тошкент шаҳрида 2014 йил 28 март куни Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Минтақавий аксилтеррор тузилмаси (ШҲТ МАТТ) Кенгашининг навбатдаги йигирма тўртинчи мажлиси бўлиб ўтди. Унда Қозоғистон Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Қирғиз Республикаси, Россия Федерацияси, Тожикистон Республикаси, Ўзбекистон Республикаси ва ШҲТ МАТТ Ижроия қўмитаси вакиллари иштирок этди.

Мажлисда ШҲТ МАТТ Кенгашининг ШҲТ Давлат раҳбарлари кенгашига ШҲТ МАТТнинг 2013 йилдаги фаолияти тўғрисидаги маърузаси лойиҳаси маъқулланди. ШҲТ МАТТ Ижроия қўмитаси директори Чжан Синьфэннинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларнинг терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши курашиш бўйича 2013-2015 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури, шунингдек, ШҲТ МАТТ Кенгаши қарорларининг амалга оширилиш жараёни тўғрисидаги ахбороти тингланди. ШҲТ МАТТ Ижроия қўмитасининг ўтган даврдаги фаолияти ижобий баҳоланди.

2014 йилнинг тўртинчи чорагида ШҲТга аъзо давлатлар ва ШҲТда кузатувчи давлатлар ўртасида халқаро терроризм ва экстремизмга қарши курашиш соҳасида ҳамкорлик масаласига бағишланган иккинчи илмий-амалий конференцияни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

ШҲТга аъзо давлатлар ваколатли органларининг терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиришни ҳамда уларнинг ўзаро ҳамкорлигини такомиллаштириш мақсадида ШҲТ МАТТ Кенгаши томонидан террористик, сепаратистик ва экстремистик йўлда фойдаланиладиган интернет ресурсларнинг Ягона реестри тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Хавфсизликка қўмаклашувчи халқаро кучларнинг Афғонистон Ислом Республикасидан 2014 йилда қисман чиқарилганидан сўнг ШҲТга аъзо давлатларнинг минтақавий хавфсизликни таъминлаш ва таҳдидларга қарши курашиш бўйича қўшма чора-тадбирлари келишиб олинди.

ШҲТга аъзо давлатлар ваколатли органларининг интернет тармоғидан террористик, сепаратистик ва экстремистик мақсадларда фойдаланишни аниқлаш, олдини олиш ҳамда тўсиб қўйиш борасидаги ўзаро ҳамкорлиги механизми тўғрисидаги низом тасдиқланди.

ШҲТга аъзо давлатлар ваколатли органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳамкорликда ўтказилган «Шарқ-Аксилтеррор — 2014» аксилтеррор машғулотлари якунларига юқори баҳо берилди.

2014 йилда ШҲТга аъзо давлатлар ваколатли органларининг ҳамкорликда чегара операцияларини ўтказиш тўғрисидаги қарор маъқулланди.

Кенгаш ШҲТ МАТТ Ижроия қўмитаси фаолиятини ташкилий, молиявий ва кадрлар билан таъминлашга доир масалалар юзасидан қатор қарорлар қабул қилди.

ШҲТ МАТТ Кенгашининг навбатдаги мажлисини 2014 йил сентябр ойида Тожикистон Республикасида ўтказиш тўғрисида келишиб олинди.

Кенгаш мажлиси ишчанлик, амалий мулоқот ва дўстона руҳда ўтди.

ЎзА

Ёшларга оид давлат сиёсати – амалда

Бухоро вилояти Пешку саноат касб-ҳунар коллежида бир ярим минг нафардан зиёд ёшлар 13 мутахассислик бўйича таҳсил олмоқда.

Битирувчилар бандлиги

Коллежда битирувчиларнинг бандлигини таъминлаш масаласига алоҳида аҳамият қаратиляпти. Ўтган йили 511 битирувчининг 22 нафари олий таълим муассасаларига ўқишга кирган бўлса, 19 нафари имтиёзли кредит олиб, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйди. Қолган битирувчилар корхона ва ташкилотлар билан тузилган уч томонлама шартномага асосан ўз мутахассисликлари бўйича ишга жойлашди.

Суратда: *Бухоро вилояти Пешку саноат касб-ҳунар коллежида.*

Тоҳир ИСТАТОВ (ЎзА) олган сурат

Президентимиз Ислом Каримовнинг Наврўз байрамига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи катта қизиқиш билан ўрганилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг табрик сўзидаги ҳар бир жумла юрагимизга қанчалар яқин. Юртбошимизнинг биз, ёшларга қарата «Ватанимизнинг тараққиёти ҳақида, дунёнинг ривожланган демократик давлатлари қаторига кўтарилишимизни аввало сиз, униб-ўсиб келаётган ёшларимизнинг салоҳияти, билимга чанқоқлиги ва илму фан чўққиларини ўзлаштиришингизга, етук ва баркамол авлод бўлиб вояга етишингизга қараб халқаро жамоатчилик бизнинг нималарга қодир эканимизга баҳо беради», дея айтган сўзлари кўплар қатори мени ҳам беҳад тўлқинлантириб юборди.

Ишончни оқлаш масъулияти

Дарҳақиқат, ҳар қандай давлат қудратини ёшлар салоҳияти, уларнинг орзу-интилишлари ва ўз олдига қўйган мақсадларини рўёбга чиқара олиш қобилияти белгилайди. Мамлакатимизда истиқлол йилларида ёшлар масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди, навқирон авлоднинг ўқиб-изланиши, катта ҳаётга дадил кириб бориши учун барча имкониятлар яратилди. Бугун бу саъй-ҳаракатларнинг самарасини наинки ўзимиз, балки бутун дунё кўриб турибди.

Шундай имкониятларга бой Ватанда яшаш, илм олиш, касб-ҳунар эгаллаш бизни улуғ орзулар сари илҳомлантиради.

...Ҳар куни қувонч билан университетга ошиқаман. У ерда мени бири-биридан зукко дўстларим, янгидан-янги билимлар қарши олади. Энди ўзингиз ўйланг, шундай муҳитда таълим олаётган биз, ёшларнинг хорижий тилларни, илғор ахборот технологияларини билмаслигимиз, фан-техника ютуқларидан хабардор бўлмаслигимиз мумкинми?.. Йўқ, асло!

Бу масъулият, яратилган шарт-шароитларга муносиб бўлиш туйғуси мени, бир зум бўлса-да, тинч қўймайди. Ўз устимда тинимсиз изланишга, катта мақсадлар сари дадил одимлашга ундайверади.

2009 йил адабиёт йўналиши бўйича Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирландим. 2012 йил Навоий номидаги Давлат стипендияси соҳибаси бўлдим. «Йилнинг энг фаол ёш журналисти» республика танловида ғолибликни қўлга киритдим. Ўтган йили Германиянинг Геология илмий-тадқиқот маркази томонидан ташкил этилган халқаро танловда ғолиб бўлдим. Хорижда ўтказилган бир қатор илмий-амалий конференцияларда қатнашдим. Ҳозир инглиз, араб, хитой тилларида сўзлашаман. Спортнинг шотокан каратэ-до тури билан шуғулланаман.

Бугун жаҳоннинг айрим минтақаларида рўй бераётган турли воқеа-ҳодисаларни кузатиб, Ўзбекистондек тинч-осойишта юртда дунёга келганимга шукрона айтаман.

Ўзлигимни, келажагимни жонажон Ватаним тақдири билан боғлиқ кўраман. Ҳаётим мазмуни шу юрт, шу она замин, деб биламан ва бунга қатъий ишонаман. Негаки, озод ва обод диёримизда инсон қадри ҳамма нарсадан устун, жамики ислоҳотлар, аввало, инсон манфаатларига хизмат қилади, ёшлар бугуннинг ва эртанинг ишончи, таянчи, ҳал қилувчи кучи, дея юксак қадрланади.

Бунга жавобан қатъий ишонч билан айтгим келади: биз, ёшлар, албатта, буюк келажакни қурамиз, Президентимизнинг ишончига ўз қобилиятимиз, билим ва салоҳиятимиз, эришаётган ютуқларимиз билан жавоб берамиз.

Қумар БЕГНИЯЗОВА,
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети магистранти,
Зулфия номидаги Давлат мукофоти лауреати.
(ЎзА)

Тадбир

Қиз бор уйнинг файзи бўлак

Ободлик, сарištалик ва покизаликка одамларимизда эътибор бўлакча. Айниқса, баҳор фаслида, Наврўз айёмида ёш қизларнинг атроф-муҳит тозалигига бўлган муносабатини шакллантириш қадимий одатларимиздандир. Ушбу муқаддас тушунчаларни кенгроқ доирада тарғиб қилиш мақсадида Республика ҳамда Сирғали туман хотин-қизлар қўмитаси «Қиз бор уйнинг файзи бўлак» деб номланган лойиҳасини тақдим этди.

Эрта тонгдан 300- ва 317-мактабнинг «Ораста қизлар»и Бобур маҳалласида жам бўлишди. Атласу адрасдан либос кийган лобар қизларимиз «Ободлик кўнгилдан бошланади» иборасини қалбларига жо қилган ҳолда, маҳалла ҳудудларини тозалаб, гул кўчатлари ўтказишди. Шундан сўнг кексалар кўнгли олиниб, уй юмушларига қарашилди.

— Хонадонлар ободлигида қизларнинг ўрни бошқача, — дейди Республика Хотин-қизлар қўмитаси Ахборот хизмати раҳбари Гулжамол Асқарова. — Айниқса, кўп қаватли уйлар атрофини озода сақлашда ўзбекона одатларга амал қилиш, ёшлар онгида экологик маданиятни шакллантириш ўта муҳим вазифа.

Баҳор нафаси, ободлик қизларга байрамона кайфият бағишлади. Улар бир-бирларининг сочларига толбаргак тақиб, хиром айлаганда, қўшиқлар авжига чикди.

Раъно МАҲКАМОВА,
«Ishonch» мухбири

Эътироф

Ўзбекистон Фанлар академияси бирлашган касаба уюшма қўмитаси томонидан Алишер Навоий номидаги тил ва адабиёт институтида Соғлом бола йили муносабати билан ёш олимлар иштирокида «Ҳар кунимиз Наврўз бўлсин» шиори остида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Истеъдод танлови

Фанлар академияси вице-президенти Б.Абдухалимов барчани Наврўз байрами билан қутлаб, устувор илмий йўналишлар бўйича илмий-техник ва инновацион тадқиқотларни амалга ошириш, илмий ишланмаларнинг натижаларини амалиётга жорий этиш, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ва юқори малакали илмий кадрлар тайёрлаш борасида олиб борилаётган ишларга тўхталиб ўтди.

Хусусан, ёш олимлар ўртасида ўтказилаётган кўрик-танловлар, Республика илмий-амалий конференцияларида фаол иштирок этаётган «Энг ёш тадқиқотчи», «Энг ёш илмий раҳбар», «Энг диққатга сазовор маъруза», «Ёшларнинг долзарб муаммоларига бағишланган энг яхши илмий мақола», «Энг яхши инновацион ғоя», «Энг ёш олим ва олима» кабилар шулар жумласидандир.

— Мазкур тадбирни ўтказишдан асосий мақсад, ёш олимларнинг интеллектуал салоҳиятларини қўллаб-қувватлаш, 2012-2013 йилларда муддатидан олдин илмий диссертация ишларини ҳимоя қилган ёш изланувчи-тадқиқотчи олимларни, шунингдек, «Моҳир касб эгалари», «Намунали бошланғич касаба уюшма ташкилоти» кўрик-танлови ғолибларини рағбатлантириш, уларни янги илмий ишларга чорлашдир, — деди Фанлар академияси бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси Шерзод Жўраев.

Тадбирда илмий-соҳада юқори кўрсаткичларга эришган ёш олимлар, кўрик-танлов ғолиблари, «Устоз-шогирд» йўналишида энг фаол муносиб деб топилган иштирокчилар эсдалик совғалари билан тақдирланди.

— Улуғ халқимизнинг тарихи ва маданиятини ўзида мужассам этган Наврўз байрами кунларида тақдирланганим янада шижоат билаш ишлашга ундайди, — дейди Умумий ва ноорганик кимёси институти илмий ходими Зоҳидбек Ҳамроқулов.

Фанлар академияси тасарруфидаги ташкилотларда фаолият кўрсатаётган ҳаваскор санъаткорлар томонидан тақдим этилган концерт дастурини тадбир қатнашчилари хушнудлик билан кутиб олишди.

Жамшид ЭРГАШЕВ,
«Ishonch» мухбири

Ижтимоий ҳимоя — бош мезон

Навқирон авлод – юртимиз келажаги

Мамлакатимизнинг бугуни ва келажаги учун масъулиятни ҳис этадиган, мустақил ва янгича фикрлайдиган ёшларни тарбиялаш барча ишларимизнинг дебочаси десак, асло муболаға бўлмайди.

Бугун бизнинг олдимизда Президентимизнинг жорий йил 6 февралда «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига кўра ёшларнинг ижтимоий шаклланиши ва камол топиши, ижодий иқтидори тўлатўкис рўёбга чиқиши учун ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий, ташкилий жиҳатдан шарт-шароитлар яратишда касаба уюшмалари ташкилотларининг иштирокини янада кенгайтириш вазифаси турибди. Бу борада вилоятимиз касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан ҳам кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда.

Фаолият кўрсатаётган корхона, ташкилот ва муассасаларда тузилган жамоа шартномаларига «Ёшлар учун қўшимча имтиёз ва кафолатлар» бўлими киритилган бўлиб, бўлимда:

- меҳнат кодексида кўзда тутилган кафолатларга риоя этилишини ҳамда имтиёзлар бериш, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга меҳнатни муҳофаза қилиш, иш вақти, таътиллар ва бошқа меҳнат шартлари соҳасида қўшимча имтиёзлар бериш;
- корхонада амалиёт ўташга бириктирилган ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчиларига энг кам иш ҳақининг 20 фоизи миқдорида, ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасаларини имтиёзли диплом билан битириб янги ишга жойлашган ходимлар учун ёрдам сифатида энг кам иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида касаба уюшма маблағидан бир марталик моддий ёрдам кўрсатиш;
- ишга қабул қилинган ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчилари билан меҳнат шартномалари тузилишини, улар жамоа шартномалари билан таништирилишини таъминлаш;
- янги ишга қабул қилинган ёшларнинг иш жойларида қўнимлилигини таъминлаш бўйича иш олиб бориш каби бандлар ўз аксини топган.

Шунингдек, жамоа шартномаларини экспертиза қилиш комиссияси аъзолари таркибига Ёшлар ҳуқуқлари бўйича экспертлар киритилишига эришилди.

(Давоми 2-саҳифада).

Янгиликлар оқимидан

ТОШКЕНТ

Ўзбекистон давлат консерваториясида «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди, Халқ таълими вазирлиги, Бастакорлар уюшмаси ҳамкорлигида «Санъат ғунчалари» ёш мусиқачилар республика кўрик-танлови ғолибларини тақдирлаш маросими ўтказилди.

САНЪАТ ҒУНЧАЛАРИ

Ёш иқтидорларни аниқлаб, уларнинг ижросидан халқимизни баҳраманд этиш мақсадида «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди томонидан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган ушбу танловда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичларида ғолибликни қўлга киритган 250 нафар ўқувчи қатнашди. Улар зарбли ва дамли чолғу асбоблари ижро йўналишида ўз маҳоратларини намоён этдилар.

Танловда Республика ихтисослаштирилган мусиқа ва санъат академик лицейининг еттинчи синф ўқувчиси, флейта ижрочиси Шоҳсанам Хўжаниёзова бош совринни қўлга киритди. Шунингдек, ёш тоифаси бўйича ҳам ғолиблар аниқланиб, уларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Ўз мухбиримиз

Оҳангарон туманидаги «Саховат» уйида Наврўз айёми муносабати билан ташкил этилган маданий-маърифий тадбирда халқимизнинг бағрикенглик, меҳр-мурувват ва саховатпешалик каби олижаноб фазилатлари яна бир карра намоён бўлди.

БОР БЎЛ, ОҚИБАТ!

Ҳомий ташкилотлар томонидан дастурхон ёзилиб, барчага байрам совғалари улашилди. Туман маданият ишлари бўлими, 53-умумтаълим мактаби ўқувчилари ҳамда 15-мактабгача таълим муассасаси болажонлари томонидан ижро этилган концерт дастури барчага хуш кайфият бағишлади.

Тадбирда «Энг фаол жамоатчи», «Энг озода хона эгаси», «Энг аҳил оила», «Энг яхши бўлим» номинациялари бўйича ғолиблар мукофотланди.

Шунингдек, «Саховат» уйида Наврўзга бағишланган яна бир тадбир ўтказилди. Унда туман ҳокимияти, «Қизил ярим ой» жамиятининг Тошкент вилояти бўлими, «Хонобод» маҳалла вакиллари ва фахрийлар барча васийликка олинганларни Наврўзи олам билан муборакбод этиб, отахон ва онахонларга ўз совғаларини тақдим этишди.

Ўтказилган тадбирларга 12,5 млн. сўмлик ҳомийлик ёрдами жалб қилинди.

А.КАНЗАФАРОВА

СИРДАРЁ

Ишчи-ходимларнинг деярли тўқсон фоизини хотин-қизлар ташкил этадиган Гулистон шаҳридаги «БАРАКАТЕКС» қўшма корхонасида маъмурият ҳамда касаба уюшма қўмитаси ташаббуси билан тадбир ўтказилди.

«БАРАКАТЕКС» МАЛИКАСИ

«Баракатекс маликаси» кўрик-танлови ташкил этилиб, ғолиб ва қатнашчилар эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Озода МАМАДАЛИЕВА,
«Ishonch» мухбири

ЖИЗЗАХ

Жиззах вилоятида ўтган йили 200 млрд. сўмлик имтиёзли кредитлардан самарали фойдаланиш ҳисобига 18 мингта янги иш ўрни яратилди. Тадбиркорларнинг вилоят ялпи ички маҳсулотдаги улуши 80 фоизни ташкил этмоқда.

АНЪАНАЛАРГА САДОҚАТ

Ана шу каби муваффақиятларни қўлга киритаётган соҳа ходимлари илғорларидан қирқ нафари иштирокида «Ташаббус — 2014» кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Тадбирда миллий каштачилик, ёғоч ўймакорлиги сингари тобора ривожланиб бораётган анъанавий йўналишларга алоҳида эътибор қаратилди.

Тадбиркорлик номинациясида «Тоштепа-Текстил» корхонаси раҳбари Д.Эргашев, фермерлик йўналишида Жиззах туманидаги «Холмўмин-Зоҳид» фермер хўжалиги раҳбари Ш.Нориева, ҳунармандчиликда Т.Қўшмуродова ғолиб деб топилди.

Совриндорлар кўрик-танловнинг республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

Абдуманнап АЗИМОВ,
«Ishonch» мухбири

Ishonch
2014-yil 29-mart № 40 (3389)

Касаба уюшмалари — меҳнаткашларнинг ҳамкори ва таянчи

ТИКУВ ЦЕХИДА ИШ ҚИЗҒИН

Қарши шаҳридаги «Cotton road» масъулияти чекланган жамияти шаклидаги Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси тикув цехида 200 нафарга яқин хотин-қиз меҳнат қилмоқда.

Текстил ва тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона маҳсулотларининг асосий қисми хорижга экспорт қилинмоқда.

Суратларда: *тикувчилик цехи бошлиғи Ориф Бобомуродов ва ишчи Дилноза Ҳайитова; ишчи Моҳигул Маҳмудова.*

Жамшид НОРҚОБИЛОВ (ЎзА) олган суратлар

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

2013-2015 йиллар учун қабул қилинган жамоа шартномаларига Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган Халқаро Меҳнат Ташкилотининг 138-, 182-Конвенциялари талабларига асосан, болаларни меҳнатга мажбур қилишга йўл қўймаслик ва вояга етмаганлар, шунингдек, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича қўшимча имтиёзлар, иш вақти, таътиллар бериш ва бошқа меҳнат шароитлари бўйича бандлар киритилишига эришилди. Уларнинг бажарилиши касаба уюшма органлари томонидан назорат қилиб борилмоқда.

Ўтган йили жамоа шартномалари ва келишувлари орқали 132 та корхонада 136 нафар олий ўқув юртларида таҳсил олаётган талабалар учун контракт пулларининг 186,6 млн. сўми тўлаб берилди. Жумладан, Бухоро муҳандислик-технология институтида шартнома асосида таҳсил олаётган 5 нафар етим ва 12 нафар ногирон талабага касаба уюшма қўмитасининг саъй-ҳаракати билан 2013-2014 ўқув йилининг биринчи ярми учун 29 млн. сўм маблағ ҳомийлар томонидан қопланишига эришилди. Шартнома тўловининг иккинчи ярим йиллиги учун ҳам ҳомийлар томонидан 30 млн. сўм маблағ ажратилиши режалаштирилган.

Шунингдек, 260 нафар кам таъминланган, шартнома асосида таълим олаётган талабаларнинг яшаш манзиллари орқали маҳалла фуқаролар йиғинларига институт касаба уюшма қўмитаси томонидан ёзма мурожаат қилиниб, улар ер солиғи ва бошқа коммунал тўловлардан қисман озод этилди. Бирлашма қошида ташкил этилган Ёшлар билан ишлар кенгаши корхона ва ташкилотларда ёшларнинг бандлигини таъминлашга кўмаклашиб келмоқда.

Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг жорий йилда ёшларга оид сиёсатни амалга оширишга қаратилган тадбирлар дастури бўйича тегишли қарори қабул қилинган бўлиб, унга асосан «Меҳрибонлик» уйлари тарбияланувчилари учун маънавий-маърифий ва маданий тадбирларнинг амалга оширилишида касаба уюшма фаол ёшларининг иштироки таъминланади, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига моддий ёрдам кўрсатилади. Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, велоспорт турини оммалаштириш мақсадида «Касаба-тур» веломарафони босқичма-босқич амалга оширилаётганлиги эса соғлом турмуш тарзини шакллантиришда ўзига хос кўмак бўлмоқда. Шу билан бирга, кам таъминланган оилаларнинг 1000 нафар болалари ёзги таътилда оромгоҳларда дам олиши кўзда тутилиб, ихтисослашган оромгоҳлар ташкил этилиши кўзда тутилган.

Президентимизнинг юқоридаги қарорига биноан шаҳар ва туманларда ёшлар учун уй-жой қуришга ер ажратилиши масаласига алоҳида эътибор берилган бўлиб, ҳар бир ҳудудда 2 тадан 4 қаватли «Камолот» уйларини барпо этиш бўйича ҳудудларда таклифлар ишлаб чиқилиши, аниқ жойларнинг белгиланиши, ер майдонлари ажратилиши, кредит билан таъминланиши каби вазифалар бажарилишини назорат қилишда касаба уюшма ташкилотларига ишонч билдирилди.

Зеро, юрт келажаги бўлган ёшларимиз учун барча шароит ва имкониятларни яратиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда барчамиз масъул эканимизни янада чуқур ҳис қилган ҳолда фаолиятимизни ташкил қилмоғимиз лозим. Ушбу саъй-ҳаракатлар жамиятимиз тараққиётида муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Навқирон авлод — юртимиз келажаги

Мақсуд ШУКУРОВ,
Бухоро вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси ўринбосари

Жамоа шартномаси: у қандай бажарилмоқда?

Мамлакатимизда жамият ва давлат қурилишининг барча жабҳаларини қамраб олган бугунги жараёнлар касаба уюшма ташкилотлари фаолиятида ўз акс садосини бераётир. Бу ҳол, айниқса, меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш, ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, соғломлаштириш ҳамда оммавий спортни кенг ривожлантиришда аниқ-равшан сезилмоқда. Айни вақтда Тошкент вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши тизимидаги бешта тармоқ касаба уюшмаси Марказий кенгашларининг масъул ташкилотчилари, 65 та туман ҳамда шаҳар кенгашлари, 18 та туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмалари, тармоқ касаба уюшмаларига қарашли 9 та бирлашган қўмиталар ва 2808 та бошланғич ташкилотлар 470 мингдан зиёд аъзоларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари йўлида изчил фаолият юритяпти. Ушбу вазифани тўлақонли бажариш учун 1 та ҳудудий, туманлар миқёсида 34 та ҳудудий-тармоқ келишувлари, бевосита корхона, ташкилот ҳамда муассасаларда эса 7705 та жамоа шартномалари амал қилмоқда.

Муваффақият кафолати



— Корхоналарнинг молиявий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда жамоа шартномаларига меҳнаткашлар манфаатларини кўзловчи юздан зиёд алоҳида бандлар киритилди, — дейди меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими мудири Руслан Раҳмонов. — Мазкур ҳужжатларда белгиланган тадбирларнинг бажарилиши, айниқса, ёшлар, аёлларнинг ҳуқуқий, иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш, турмуш ва ишлаб чиқаришдаги меҳнат шароитларини яхшилашга катта эътибор қаратилаётир. Шунингдек, меҳнат таътилларига қўшимча кунлар бериш, даволаниш учун имтиёзли йўлланмалар ажратиб, ёшга кўра нафақага чиққан ходимлардан мунтазам равишда хабар олиб туриш, кам таъминланган ва ёлғиз кексаларга моддий ёрдам кўрсатиш борасида корхона, ташкилот ҳамда муассасаларнинг маъмуриятлари билан ҳамкорлик кучаймоқда.

Бироқ, олиб борилаётган кенг кўламли ҳаракатларга қарамай, таҳлиллар вилоятдаги касаба уюшмалари томонидан ўтган йили 662 та юридик шахс мақомига эга бўлган корхона, ташкилот ҳамда муассасаларда жамоа шартномаси тузилмаганлигини, бунинг натижасида 5430 нафарга яқин ишчи-хизматчиларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва ҳуқуқлари ҳимояси эътибордан четда қолганлигини кўрсатмоқда.

Ваҳоланки, касаба уюшмалари ҳаракат стратегиясининг муҳим тамойилларидан бири — «Юридик шахс бор экан, жамоа шартномаси тузилсин!» деган шиор устувор бўлмоғи лозим. Ҳаётнинг ўзи яққол кўрсатиб турибди: аъзолар шартномавий муносабатлар билан тўлиқ қамраб олинган жойдагина иш бароридан келади. Бу эса томонлар ўз мажбуриятларини бажаришлари учун масъулиятни оширишларини тақозо этади. Якунлар чуқур таҳлил қилиниб, хулосалар чиқарилса, ўз-ўзидан англашиладики, янгидан-янги муваффақиятларга эришилади. 2013 йил — Обод турмуш йилида кам таъминланган оилаларнинг 6093 тасига 684 миллион 490 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. 44 та корхонада олий ўқув юртларида таҳсил олаётган 52 нафар талабанинг 91 миллион 580 минг сўмлик контракт пулларининг бир қисми қопланди. 959 та корхонада кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларнинг 2213 нафар фарзандларига 65 миллион 640 минг сўмлик ўқув қуроллари ҳамда дарсликлар олиб берилди. Нодавлат мулк шаклидаги 209 та корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган 631 нафар болали аёлларга ойлик маошлари сақланган ҳолда иш вақти ҳафтасига 35 соатдан ошмайдиган қилиб белгиланди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Ёшларга оид сиёсати концепциясида белгиланган ёшлар ўртасида касаба уюшмаси аъзолигига ундовчи омилларни кучайтириш, уларни аъзоликка жалб этиш мақсадида Тошкент давлат аграр университетида «Катта ҳаётга — касаба уюшмаси билан» акцияси доирасида тадбир ўтказилди. Унга вилоятдаги корхона ва ташкилотларнинг 30 нафар касаба уюшмалари фаолларидан иборат ёшлар гуруҳи жалб этилди. Буларнинг ҳаммаси, авваламбор, иш берувчи ва касабақўм ўртасидаги муносабатлар ва албатта, жамоа шартномалари туфайлидир.

— Бу йилги режаларимиз ҳар қачонгидан кенг кўламли, — дейди Руслан Раҳмонов. — Айнан шунинг учун ҳам касаба уюшма ташкилоти фаолият кўрсатаётган корхона, ташкилот ҳамда муассасаларда жамоа шартномалари имзоланишига тўлиқ эришиш ва касаба уюшма аъзоларига яратилган имтиёзлар ҳамда кафолатларнинг бажарилиши юзасидан изчил назорат ўрнатганмиз.

Неъмат РАФИҚОВ,
«Ishonch» мухбири

Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияларида

Хоразм вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси йиғилиши бўлиб ўтди. Унда комиссия аъзолари, ҳамкор ташкилотлар, сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмалари, давлат идоралари вакиллари иштирок этди.

Ўз ўрнига эга

— Кейинги йилларда касаба уюшмаларининг жамиятдаги мавқеи тобора ортиб бормоқда. Аъзоларимизнинг кўпчилигини аёллар ташкил қилиши комиссия зиммасига алоҳида масъулият юклайди, — деди хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси Муяссар Раҳимова. — Январ ойида касаба уюшмалари аъзолари бўлган хотин-қизларни ҳар томонлама муҳофаза қилиш, уларнинг ишлаш ва дам олиш шароитларини янада яхшилаш, моддий ва маънавий рағбатлантиришни кучайтиришга қаратилган 2014 йил учун мўлжалланган иш режаларимизни белгилаб олган эдик. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг устувор йўналишлари асосида унга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритишимизга тўғри келди.

Йиғилишда «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижросини таъминлашда комиссиянинг фаол иштирокини таъминлаш масаласи ҳам муҳокама қилинди. Хусусан, хотин-қизларнинг оилада ва жамият миқёсида ўз салоҳиятлари ва маънавий имкониятларини тўла рўёбга чиқаришига кўмаклашиш лозимлиги қайд этилди. Бу борада вилоят хотин-қизлар қўмитаси, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси, соғлиқни сақлаш бошқармаси, халқ таълими бошқармаси, ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Соғлом авлод учун» фонди ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга ошириладиган вазифалар белгиланди. Шунингдек, апрел ойида ўтказилиши режалаштирилган «Хотин-қизларнинг ҳуқуқий тиббий маданиятини оширишда ижтимоий ҳамкорликнинг самарали йўллари» мавзуидаги семинарга тайёргарлик кўриш масаласи муҳокама қилинди.

Вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бош мутахассиси Адолат Маҳмудова, Халқ демократик партияси Хоразм вилоят кенгаши хотин-қизлар ва ёшлар билан ишлаш бўлими мудири Нодира Одамбоева, «Боғоттекстил» корхонаси касаба уюшма қўмитаси раиси Зулфия Пираддинова ва бошқалар кун тартибидаги масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилиб, касаба уюшмалари аъзолари бўлган аёллар фаоллигини ошириш, ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, саломатлигини тиклаш, муносиб шароитларда ишлаш, дам олиш, бўш вақтларини янада мазмунли ўтказишлари юзасидан ўз таклифларини билдирдилар.

— Комиссиямиз фарзанд тарбиялаётган аёлларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни кучайтириш, барча корхона ва ташкилотларда, мулкчилик шаклидан қатъи назар хотин-қизлар учун алоҳида иш шароитлари яратиш, улар меҳнатини муносиб рағбатлантириш, бир сўз билан айтганда, жамиятнинг фаол аъзоси сифатида ўзини намоён қилишига кўмаклашиш борасидаги изланишларини давом эттираверади, — деди М.Раҳимова.

Муҳаббат ТЎРАБОЕВА,
«Ishonch» мухбири

«Касаба сайр»

Таассуротлар бир олам

Мамлакатимизда туризмни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилиб, сайёҳларга хизмат кўрсатиш замон талаблари асосида ташкил этилмоқда. Бундай эзгу мақсад йўлидаги ишларда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги «Касаба сайр» шўъба корхонаси ҳам фаоллик кўрсатмоқда.

Яқинда ушбу корхона Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Самарқанд шаҳар ҳамда Нуробод туман кенгашлари билан ҳамкорликда таълим масканларида фаолият юритаётган фаол ўқитувчилардан 130 нафарининг Тошкент шаҳрига саёҳатини уюштирди.

— Таълим тизими фидойилари ушбу саёҳатдан олам-олам таассурот олишди, — дейди Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Самарқанд шаҳар кенгаши раиси Бахтиёр Намозов. — Бу каби эзгу ишларга янада кўпроқ эътибор қаратиш ниятидамиз.

— Ўттиз йилдан бери таълим соҳасида ишлайман, — дейди Самарқанд шаҳридаги 20-умумтаълим мактаби директори Толиб Содиқов. — Касаба уюшмаларида юз бераётган такомиллашув самараларини кўриб турибмиз. Қонуний манфаатларимиз ҳимоячиси бўлган ушбу ташкилотнинг ғамхўрлиги тобора ортиб бораётганидан хурсандмиз.

— Таассуротларимиз бир олам, — дейди Нуробод туманидаги 11-умумтаълим мактаби бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси, тарих фани ўқитувчиси Фарида Наримонова. — Пойтахтимиз юраги бўлмиш Мустақиллик майдони, Темурийлар тарихи Давлат музейи, Ўзбек Миллий академик драма театри, «Қатағон қурбонлари хотираси» музейи ва бошқа кўплаб жойларда бўлдик. Ўзим тарихчи бўлганим учун барчасидан яхши хабардорман. Лекин кўз билан кўриб, танишиш бошқа. Энди ўқувчиларимга бу жойлар ҳақида янада кўплаб маълумот берадиган бўлдим.

— Бу ташриф барчамиз учун ҳам маънан, ҳам жисмонан ҳордиқ онларини туҳфа этди. Шу билан бирга, ушбу ташриф туғилган кунимга тўғри келгани менга кутилмаган совға бўлди, — дейди Нуробод туманидаги 10-умумтаълим мактаби рус тили ва адабиёти ўқитувчиси Барно Умирова. — Келган кунимиз «Ўзбекистон» меҳмонхонасига жойлашдик. Сўнгра пойтахтимизнинг кўплаб диққатга сазовор жойларини томоша қилдик. Мутахассисларнинг қизиқарли маълумотлари тасаввуримизни янада кенгайтирди. Икки кун давом этган кўнгилли саёҳат иштирокчилар қалбида унутилмас хотиралар қолдирди.

Салим АБДУРАҲМОНОВ,
«Ishonch» мухбири

Ўқув-семинар

Фарғона вилоят «Қон қуйиш» марказида Фарғона шаҳар соғлиқни сақлаш ходимлари бирлашган касаба уюшма қўмитаси тасарруфидаги 53 та бошланғич ташкилот раислари иштирокида амалий ўқув-семинар ташкил этилди.

ЕТАКЧИГА КЎМАК

Йиғилганлар «Касаба уюшма ташкилотлари фаолиятининг устувор йўналишлари», «Касаба уюшма бошланғич ташкилотлари фаолиятини намунали тарзда ташкил этиш», «Қонунчиликда меҳнатга оид муносабатларни тартибга солиш», Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар мурожаатлари тўғрисида»ги қонунининг ижроси ҳамда Меҳнатни муҳофаза қилиш мавзуларидаги маърузаларни тингладилар.

Семинар иштирокчиларига, шунингдек, тизимда кетаётган бошланғич ташкилотлар нуфузини янада оширишга қаратилган такомиллашув жараёни ҳақида маълумот берилди. Бошланғич ташкилот раислари фаолиятни Устав талаблари асосида намунали ташкил этиш бўйича қатор саволларга тегишлича жавоб олдилар.

Ш.КАРИМОВА,
Фарғона шаҳар соғлиқни сақлаш ходимлари бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси

Ҳақ-ҳуқуқимизни билайлик

Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши томонидан фуқароларнинг ариза ва шикоятларини ўрганиш, қонунга мувофиқ чоралар кўрилиши юзасидан тегишли ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Мурожаатга жавобан

Жумладан, Қарши шаҳридаги аҳолига транспорт хизмати кўрсатувчи «Ўғилой» МЧЖнинг бир гуруҳ ҳайдовчилари иш куни ойига 27 кунни ташкил этаётгани, иш вақти 6:00 дан 20:00 гача деб белгиланганини баён этиб, касаба уюшмасидан 5 кунлик иш кунини жорий этиш масаласида ёрдам сўрашди.

Ариза юзасидан «Меҳнат кодекси»нинг 115-моддасида белгиланган иш вақтининг нормал муддатини жорий қилиши бўйича корхона раҳбариятига тегишли кўрсатма берилди. Масалани назоратга олиш лозимлиги Ўзбекистон автомобил ва дарё транспорти агентлигига маълум қилиниб, ходимларнинг қонуний ҳуқуқи тикланишига эришилди.

Шунингдек, Россия Федерацияси фуқароси бўлган И.Калмыниннинг «TEPLOMONTAJ» МЧЖ корхонаси томонидан носи О.Монахова ҳам айнан шу муаммо билан мурожаат қилди. Чет давлат фуқаросининг билдиришича, у 1973 йилда Свердлов транспорт қурилиши билим юртида ўқиган. Тошкентдаги СМП-820 корхонасида амалиёт ўтаётган вақтда содир бўлган автотранспорт ҳалокати натижасида I-гуруҳ ногирони бўлиб қолган. Корхона унга бир умрлик нафақа белгилаган. Маълум бўлишича, нафақалар узлуксиз, ойма-ой ҳисоблаб борилган. Бироқ, иккала ҳолатда ҳам пуллар почта хизматида амал қилаётган қоидаларга мувофиқ етказиб берилмаган.

Чет эл фуқаролари бўлган И.Калмынин ва О.Монаховага нафақани ўз вақтида етказишни сўраб «Ўзбекистон почтаси» ОАЖга мурожаат қилингач, почта алоҳида квота асосида тўловни етказиб берилишига эришилди.

Шу ўринда Марказий кенгашга ўтган йил давомида 42 та оғзаки, 31 та ёзма, 16 та интернет ва 68 та «Ишонч телефони» орқали мурожаатлар келиб тушганини таъкидлаш лозим. Улар асосида 13 нафар ходимнинг ҳуқуқи тикланди, 5 млн. сўмдан зиёд иш ҳақи ва нафақа тўлови, 139 млн. сўмлик товон пули ундириб берилди.

Ж.МУҲИДДИНОВ,
Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг юристконсулти

Савол: Махфий васиятнома қандай тузилади? Шу ҳақда маълумот берсангиз.

Н.БОЛИЕВА, Бектемир тумани

Жавоб: Васиятнома фуқаронинг ўзига тегишли мол-мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқни у вафот этган тақдирда тасарруф қилиш хусусидаги хоҳиш-иродасидир. Васиятнома шахсан тузилиши лозим, вакил орқали тузилишига йўл қўйилмайди.

Фуқаро ўзининг барча мол-мулкини ёки унинг муайян қисмини, қонун бўйича меросхўрлар доирасига кирадиган, шунингдек, кирмайдиган бир ёки бир неча шахсга, шу билан бирга юридик шахсларга, давлатга ёки фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига васият қилиши мумкин.

Махфий васиятнома васият қилувчининг хоҳишига кўра нотариус томонидан унинг мазмуни билан танишиб чиқилмасдан тасдиқланади. Уни васият қилувчи ўз қўли билан ёзиши ва имзолаши лозим. Васиятнома икки гувоҳ ва нотариус иштирокида хатжилдга солиниб, елимланади. Гувоҳлар ўз фамилиялари, исмлари, оталарининг исмини ва доимий турар жойларини кўрсатган ҳолда хатжилдга имзо қўядилар. Ушбу хатжилд гувоҳлар ва нотариуснинг иштирокида бошқа хатжилдга солинади ва бу хатжилд ҳам елимланади, унга нотариус тасдиқлаш устхатини ёзиб қўяди.

Санжар ТОЖИДДИНОВ, Олмазор тумани 8-ДНИ нотариуси

Савол: Бевосита ворислари бўлмаган шахс вафот этганда унинг мол-мулки кимнинг ихтиёрига ўтади?

З. ҲАФИЗОВА, Бектемир тумани

Жавоб: Агар қонун бўйича ҳам, васият бўйича ҳам меросхўрлар бўлмаса, ёхуд меросхўрлардан ҳеч бири ворислик ҳуқуқига эга эмас деб топилса ёки уларнинг ҳаммаси ўз улушидан воз кечган бўлса, мерос мол-мулк эгасиз деб ҳисобланади. Эгасиз мерос маҳаллий давлат ҳокимияти органи ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг аризаси бўйича мерос очилган кундан эътиборан бир йил ўтганидан сўнг суднинг қарори асосида эгасиз деб топилади. Агар ўша мол-мулкни қўриқлаш ва бошқариш билан боғлиқ харажатлар унинг қийматидан ошиб кетса, кўрсатилган муддат ўтишидан олдин ҳам эгасиз деб топилиши мумкин. Эгасиз мол-мулк у турган жойдаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ҳисобига ўтади. Эгасиз мол-мулкни қўриқлаш ва бошқариш Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 1144-моддасига мувофиқ амалга оширилади.

Ҳабибулло ОТАҚЎЗИЕВ, Юнусобод тумани 9-ДНИ нотариуси

Модернизация жараёни

Истиқлол йилларида мамлакатимизда амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар натижасида улкан ютуқларга эришилди. Уларнинг бари замонавий технологияларни жалб қилган ҳолда мураккаб ҳисоб-китобларга асосланган статистик маълумотларда ўз аксини топган.

Самарадорлик ортмоқда

Давлат статистика қўмитаси турли жараёнлар ва уларнинг натижалари тўғрисидаги маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил этиш, статистик ахборотларни такомиллаштириш, иқтисодий таҳлилларни янада чуқурлаштириш ҳамда ҳисоботларни тайёрлашда энг сўнгги технологиялар, интернет имкониятларидан кенг фойдаланиб келмоқда. Бинобарин, юртимизда мазкур соҳа ривожига алоҳида эътибор қаратилиб, унинг қонунчилик асослари мунтазам равишда такомиллаштириб борилянпти.

Жумладан, Президентимизнинг «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-қоидаларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ 23 турдаги Давлат статистика ҳисоботларини топшириш даврийлиги қисқартирилди. Бугун корхона ва ташкилотларга қулайлик яратиш мақсадида электрон имзодан фойдаланган ҳолда интернет орқали ҳисоботларни тақдим қилиш имкониятлари яратилган. Уларнинг барча турини электрон шаклда қабул қилиниши йўлга қўйилган. Жумладан, туманимизда фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар томонидан 2013 йил «Фермер хўжалиги фаолияти тўғрисида»ги, «Нотижорат ташкилотларнинг фаолияти тўғрисида»ги ҳисоботини 100 фоиз, «Микрофирма ва кичик корхоналарнинг ҳисоботи»ни 91, «Меҳнат ҳисоботи»ни 94 фоиз ҳамда қолган ҳисоботларнинг 90 фоизидан ортиғи интернет тармоғи орқали тақдим этилмоқда. Бундай қулайлик ва имкониятлардан фойдаланган тадбиркорлик субъектларининг вақти тежалиб, ортиқча оворагарчиликларнинг олди олинянпти. Қолаверса, давлат статистика ходимларининг меҳнати енгиллашиб, иш самарадорлиги ортмоқда.

Ш.БАРАТОВ, Янгиобод тумани статистика бўлими етакчи мутахассиси

Миллий матбуот марказида «Ўзвиносаноат-холдинг» компаниясини ривожлантириш истиқболлари, шунингдек, компаниянинг моддий-техник базасини такомиллаштириш борасида олиб борилаётган чора-тадбирлар» мавзусида анжуман бўлиб ўтди.

Ноёб, саноатбоп

Тадбирда таъкидланишича, компаниянинг қайта ишлаш корхоналари ўзларининг хом ашё базасига эга бўлиб, 2013 йилда токзорлардан ноёб саноатбоп навли 30,1 минг тонна узум хом ашёси қайта ишланди. Жорий йилда 43,0 минг тонна узум қайта ишлаш кўзда тутилган.

«Ўзвиносаноат-холдинг» компанияси таркибидаги 43 та саноат корхоналари қошида 83 та узумни қайта ишлаш шохобчалари фаолият кўрсатмоқда. Бу корхоналарнинг ҳозирги кундаги узумни қайта ишлаш қуввати йилига 200 минг тоннани ташкил этади.

2015 йилга қадар соҳани ривожлантириш дастурида узумни бирламчи қайта ишлаш шохобчалари сонини 90 тага етказган ҳолда уларнинг қувватини йилига 215 минг тоннага етказиш кўзда тутилган.

Кези келганда, тизимда инновацион, чиқиндисиз ва электр энергияни тежовчи, янги маҳсулот турларини ўзлаштириш лойиҳаларини жорий қилиш ишлари амалга оширилганлигини таъкидлаш лозим.

Модернизациялашнинг асосий йўналишларидан ташқари, холдинг корхоналари томонидан қўшимча равишда 30 дан зиёд ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилган.

Ўз мухбиримиз

Аёл ва жамият

Ватан тараққиётига ҳисса қўшишни ният қилган фаол аёлларимиз бир вақтнинг ўзида ҳам фарзанд тарбиясига улгуриб, ҳам ўз бизнесини самарали ташкил этишмоқда. Улар уй-рўзғор, оиладан ажралмаган ҳолда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишаётир.

Тадбиркорлик йўлида

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасида ташкил этилган йиғилиш Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўтказилган аёл тадбиркорлар ўртасидаги «2014 йилнинг энг яхши лойиҳаси» танлови ғолибларининг ижтимоий аҳамиятга молик 15 та бизнес лойиҳасини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга бағишланди.

Анжуманда Хотин-қизлар қўмитаси, «Микрокредитбанк», Савдо-саноат палатаси, «Тадбиркор аёл» ишбилармон аёллар ассоциацияси ҳудудий бўлимининг масъуллари, 15 нафар тадбиркор аёл иштирок этди.

«Тадбиркор аёл» Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси таркибида бугунги кунда 12 мингга яқин тадбиркорлик субъектлари бўлиб, улар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар мамлакатимиз ички бозорини тўлдиришда муҳим ўрин тутмоқда.

Хотин-қизлар қўмитаси, «Тадбиркор аёл» уюшмаси, Савдо-саноат палатаси ва «Микрокредитбанк» ҳамкорлигида аёлларни тадбиркорликка ўргатиш, уларни иқтисодий жабҳага жалб этиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Юртимиздаги тадбиркор аёллар ўртасида 2013 йилда «Тадбиркор аёлнинг энг яхши лойиҳаси» танлови ўтказилган, республика босқичига тавсия этилган 43 нафар тадбиркор хотин-қизларнинг лойиҳалари «Ишлаб чиқариш соҳасидаги энг яхши лойиҳа», «Сервис соҳасидаги энг яхши лойиҳа», «Қишлоқ жойларга мўлжалланган энг яхши лойиҳа» каби йўналишлар бўйича баҳоланиб, республика босқичида 15 нафар ғолиблар аниқланган эди. Ғолибларнинг лойиҳасини амалга ошириш учун масъул ташкилотлар бириктирилиб, 2014 йилнинг 1-чорагида бир қатор ишлар йўлга қўйилди.

Шунингдек, йиғилишда лойиҳалар ижросига масъул бўлган Хотин-қизлар қўмитаси, «Микрокредитбанк» ОАТБ, Савдо-саноат палатаси, «Тадбиркор аёл» ишбилармон аёллар ассоциацияси билан ҳамкорликда юқорида қайд этилган 15 та лойиҳани амалга оширишнинг бугунги ҳолати, яъни кредитлар ажратиш, бино билан таъминлаш, тўсиқ бўлаётган муаммоларни ҳамкорликда ҳал этиш каби масалалар муҳокама этилди.

Тадбирда юртимиздаги тадбиркор аёлларнинг халқчил лойиҳаларини ҳаётга кенг татбиқ этиш, уларнинг имтиёзларини кенгайтириш, хусусий ҳамда кичик бизнес соҳасида ва оилавий корхоналарда раҳбарлик қилаётган аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш орқали янги иш ўринлари яратиш, қишлоқ аёллари ўртасида тадбиркорликни ривожлантиришда тўсиқ бўлаётган ижтимоий муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш масалалари кенг муҳокама қилинди.

Комила БОЙМУРОДОВА, «Ishonch» мухбири

Наманган вилояти Уйчи туманидаги 33-умумтаълим мактабида ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш борасида намунали ишлар йўлга қўйилган.

Мазкур таълим даргоҳида 42 фан ва 8 йўналишдаги спорт тўгаракларига жами 1176 нафар ўқувчи-ёшлар жалб қилинган. Бу ерда улар ўқитувчи-мураббийларидан олаётган билимларини янада ошириб, келажакда аниқ касб танлаш имконига эга бўлишади.

Покиза Сотволдиева шу мактабнинг 9-синфида таҳсил олади. У ўтган йили немис тили фани бўйича «Билимлар беллашуви»да иштирок этиб, вилоятда иккинчи ўрин сохибасига айланди. Покиза жорий ўқув йилида «Зулфияхоним қизлари» кўрик танловининг фан йўналишида иштирок этиб, вилоят босқичи йўлланмасини қўлга киритди.

Турғунбек МАҲКАМЗОДА олган сурат

Кўрик

«Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи» УК касаба уюшма қўмитаси, хотин-қизлар қўмитаси ва «Камолот» ЁИҲ бошланғич ташкилоти ҳамкорликда «Нефтчилар» маданият саройида «Обод юртнинг бахтли қизлари» мавзуида кўрик-танлов ўтказди. Унда 8 нафар завод цехларида ишлаётган хотин-қиз 4 та шарт бўйича беллашди.

Энг зукко, энг доно

Қизлар ўзларининг қанчалар зукко эканликларини амалда намоён этишди. Ҳар бир иштирокчи «Энг зукко», «Энг доно», «Энг иболи», «Энг латофатли», «Энг мафтункор», «Энг фидойи», «Энг оқила» номинацияларига сазовор бўлди.

«Танлов маликаси» номинациясига маъмурият ходимаси Моҳинур Қодирова лойиқ деб топилди. Шунингдек, Малика Саъдуллаева, Моҳигул Ҳакимжонова, Лайло Ҳасанова ва Насиба Исмоилова юқори балл тўплади.

Иштирокчиларга касаба уюшма қўмитасининг фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо совғалари топширилди.

Сайёра РАҲМОНОВА, «Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи» УК касаба уюшма қўмитаси мутахассиси

Ҳар кунимиз Наврўз бўлсин!

«Қизилравот»да шодиёна

Баҳор ўз сепини ёйган паллада Ромитан тумани марказидан салкам 300 километр олисда жойлашган «Қизилравот» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудуди ўзгача қиёфа кашф этди. Бир томони Амударё, иккинчи томони бепоён қиру адирларга туташ маскан ям-яшил либосга бурканган. Мусаффо ҳаво, кенг яйловлар кишига роҳат бағишлайди.

Наврўз айёми муносабати билан вилоят халқ таълими бошқармаси, Ромитан туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими ҳамда Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси туман кенгаши вакиллари «Қизилравот»га ташриф буюришди. Меҳмонлар муборак айём билан табриклаб, 4,5 миллион сўмлик совға-салом ҳамда спорт анжомларини баркамол авлод вакилларига топширдилар. Шунингдек, ўзлари билан олиб келган 300 туп мевали, манзарали ва гул кўчатларини ўтқаздилар.

Тумандаги 12-,17-мусиқа ва санъат мактаблари ўқувчиларининг дилтортар куй-қўшиқлари, жозибали рақслари, она-Ватан, тинчлик ҳамда ёшликни тараннум этган шеърлари даврага ўзгача файз киритди.

— Тадбир жамоамиз аҳлини беҳад мамнун этди, — дейди 39-умумтаълим ўрта мактаби директори Эрбол Серикбаев. — Тинчлик, меҳнат, ўзаро ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик каби ғояларни ўзида мужассам этган қутлуғ байрам бизни муштарак мақсадлар сари чорлайди.

Иззатулла ҲОЖИЕВ, «Ishonch» мухбири

Велоспорт

Хизмат кўрсатган спорт устаси, юртимиз велоспорти тарихида ўчмас из қолдирган Александр Юдин хотирасига бағишланган турнир ўтказилди. Термиз шаҳрида туғилиб вояга етган спортчи етти карра собиқ иттифоқ чемпиони, 1975 йилда ўтказилган Жаҳон велотрекининг мутлақ ғолиби бўлган.

Юдин издошлари

Кўпкунлик мусобақа беш босқичдан ташкил топгани, ҳар бир босқичда муҳим очколар қўлга киритилиши боис, иштирокчилар бор куч ва маҳоратларини ишга солишди. Таъкидлаш жоизки, ўз вақтида Александр Юдин айнан кўпкунлик пойгаларда бир қатор ғалабаларни қўлга киритган эди.

Мусобақада Тошкент, Сирдарё, Самарқанд, Наманган вилоятлари ҳамда пойтахтлик велоспортчилар иштирок этди. Хотира турнирида «Тезкор айлана», Гит (эркаклар 1000 метр, аёллар ва ўсмирлар 500 метр), жамоавий пойга (60 айлана), жамоавий «Скретч» пойгаси (эркаклар 15 айлана, аёллар 10 айлана) ҳамда шахсий таъқиб пойгалари (эркаклар 3 км., аёллар 2 км.) бўйича беллашувлар бўлиб ўтди.

Эркаклар орасида пойтахт вакиллари — Тимур Гумеров (55 очко), Руслан Федоров (50 очко) ҳамда Сергей Медведев (47 очко) барча совринли ўринларни банд этишди.

Аёллар ўртасида Тошкент шаҳри шарафини ҳимоя қилган Олга Дробишева (70 очко) ҳамда Алла Безуглова (51 очко) дастлабки совринли ўринлар соҳибаси бўлишди. Тошкент вилояти вакиласи Екатерина Кнебелева 49 очко тўплаган ҳолда учликни тўлдирди.

Қизғин кечган ўсмирлар ўртасидаги пойгаларда пойтахтлик Семен Севастянов 66 очко билан ғалаба нашидасини сурди. Ундан уч очко кам жамғарган Жавоҳир Эгамбердиевга иккинчи, Искандар Шодиевга эса (50 очко) учинчи бўлиш насиб этди.

Алена САПАРОВА, Ўзбекистон велоспорт федерацияси матбуот котибаси

Самбо

Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Исломжон Азимов Москва шаҳрида ўтказилган жанговар самбо бўйича Жаҳон суперкубоги ғолиблигини қўлга киритди. Мусобақа дунёнинг 29 давлатидан келган спортчилар ўртасида кечганлиги учун ҳам ушбу ғалаба ғоят қимматлидир.

Исломжон — суперкубок соҳиби!

100 кг.гача вазн тоифасида иштирок этган андижонлик Исломжон Азимов финалда молдавиялик Григорий Постикни муддатидан аввал мағлубиятга учратиб, бош совринга эгалик қилди.

Қайд этиш ўринлики, Осиё чемпиони, 2011 йилги жанговар самбо бўйича жаҳон чемпионати кумуш медали совриндори бўлган Исломжон ўтган йили Санкт-Петербург шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпионатида жароҳат туфайли мусобақаларнинг ярим финалида қатнаша олмаганди.

Ўз мухбиримиз

Солиқ идораларида

Электрон ҳисобот — қулай ва тезкор

Юртбошимизнинг 2013 йил 25 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда 2014 йилги солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари, солиқ қонунчилигига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар мазмун-моҳиятини солиқ тўловчиларга етказиш мақсадида Давлат солиқ қўмитаси томонидан пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ» мажмуасида ташкил этилган кўргазмали семинар бугун ўз самарасини бераётир.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, Президентимизнинг 2011 йил 24 августдаги «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш юзасидан солиқ тўловчилар солиқ ва молиявий ҳисоботларни электрон кўринишда топширишлари учун зарур шароитлар яратилмоқда.

Ҳар чоршанба куни солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқий ва техник саводхонлигини ошириш мақсадида ўқув-семинарлар ташкил этилмоқда. Солиқ ва молиявий ҳисоботларни электрон ҳужжат шаклида тақдим этилишига қулайлик яратиш мақсадида «Истиқлол консалтинг» МЧЖ ҳамда «Akbar DUR» хусусий корхоналарида шохобчалар ташкил этилди. Туман ҳокимияти ҳамда туман ДСИда «Ягона ойна» хоналари очилган бўлиб, улар корхона ва ташкилотларга ҳисоботларни электрон кўринишида тақдим этиш борасида амалий ёрдам кўрсатишда қўл келмоқда. Тумандаги 4 та интернет клубда ҳисоботларни электрон кўринишда тақдим этиш учун арзон нархларда хизмат кўрсатилиши йўлга қўйилди.

Туманимизда ҳисобот топшириш мажбуриятига эга корхоналар 2151 тани ташкил этиб, шундан 98 фоизи электрон рақамли имзога эга. Улардан 2108 та корхона ҳисоботларни электрон кўринишда тақдим этган. Электрон имзоси белгиланган муддати тугаган корхоналарга уни янгилаш учун тўлов амалга ошириш ва янги ташкил этилган корхоналарга электрон имзога эга бўлиш юзасидан ходимларимиз томонидан тегишли тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Ф.УРМАНОВ, Сергели туман ДСИ бошлиғи

«Чинобод санаторийси» ОАЖ маъмурияти ва касаба уюшма ташкилоти 2-гастроэнтрология бўлими олий тоифали шифокори Раъно Шайховага онаси

Мунира ШАЙХОВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Мижоз банк учун эмас, -банк мижоз учун!-

Мамлакатимизнинг ҳар томонлама тараққий топиши йўлида амалга оширилаётган ислоҳотлар замирида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилганлиги ҳамда банкмолия тизими томонидан қулай ишбилармонлик муҳитини яратишга асосланган кенг кўламли тадбирларнинг босқичма-босқич ҳаётга татбиқ этилаётганлиги бугун ўз натижасини бермоқда. Энг муҳими, тадбиркорлик соҳаси вакиллари учун яратилган катта имкониятлар яратувчанликка бўлган иштиёқни янада ошириб, мамлакат аҳолисида фаровонликка эришишга мустаҳкам ишонч уйғотди.

Банк тизими тадбиркорларнинг ҳамкори ва ишончли таянчи тамойилига асосланган ҳолда ишбилармонлик муҳити вакилларининг оғирини енгил қилиш мақсадида молиявий хизмат кўрсатишнинг барча соҳаларида замон талабига монанд самарали фаолият юритмоқда.

Албатта, бунда Республика Марказий банкининг алоҳида ўрни бор. 22 йил давомида юртимиз банк тизимида тўпланган тажрибалар халқаро миқёсда ҳам эътироф этилиб, қўшни давлатларда катта қизиқиш уйғотаётгани ҳам бежиз эмас.

Келинг, яхшиси, аҳоли ва ёшларнинг фикрлари билан танишиб, амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг нечоғлик самара бераётганига яна бир бор амин бўлайлик.

Курбанбой ота АМЕТОВ, Қорақалпоғистон Республикаси, Мўйноқ туманидаги «Ҳоким ота» МФЙ фаоли:

— Авваламбор, юртдошларимизни ўлкамизга кириб келган Наврўз байрами билан чин қалбимдан табриклайман. Эзгуликни мақсад қилганларга фақат байрамлар ярашади. Мамлакатимизда ҳукм сураётган тинч-осойишталик туфайли юртимиз равнақ топяпти. Худо умрларини зиёда қилсин, Президентимиз Ислом Каримов буюк келажагимиз боғларини яратиб бердилар ва мана бугун бу боғлар ўз ҳосилини бермоқда. Истиқлол меваларидан ёшу кекса барчамиз баҳраманд бўляпмиз. Аҳолимиз тадбиркорлик қилиб, оиласи билан бирга маҳалласига ҳам ёрдами тегиб, бунёдкорлик ишларини амалга оширмоқда. Тадбиркорлик орқасидан тўйтантаналар қилишмоқда, уйлар қуриб, ҳовли тўйларини яқин ёру биродарлари билан нишонлашмоқда. Юртбошимиз бундан 22 йил олдин навқирон ёшларимиз юртимизда эркин ва фаровон ҳаёт бунёд этишда, барча эзгу орзу-умидларимиз рўёбга чиқишида Ватанимизнинг ҳақиқий таянчи ва суянчи бўлади, деб уларга катта ишонч билдирган эдилар. Фаришталар «омин» деган экан, ёшларимиз бугун ҳақиқатан ҳам барча соҳаларда илғор бўлиб, ватанимиз тараққиётига хизмат қилмоқда, Ишбилармон ёшлар сафи тобора кенгайиб боряпти.

Энг олис ҳудуд бўлган Мўйноқ туманидаги «Ҳоким ота» маҳалла фуқаролар йиғинида яшайман. Лекин ҳеч бир муболағасиз айтишим мумкинки, бу ерда ҳам ҳаёт қайнаяпти. Қишлоқ жойларида тадбиркорликни ривожлантиришда банкларнинг ўрни катта бўлаётир. Одамларимиз кредит олиб, томорқаларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириб, ҳам оила бюджетини мустаҳкамламоқдалар, ҳам эл корига ярамоқдалар.

Олаётган кредитлари жудаям содда бўлиб, қисқа муддат ичида ҳеч бир қийинчиликсиз ўз бизнесларини йўлга қўймоқдалар. Эътиборлиси, банк ходимларининг ўзи аҳоли билан юзма-юз учрашиб, яқиндан амалий ёрдам беряптилар.

Банкларнинг фермерларга ажратаётган имтиёзли кредитлари пахта ва ғаллани ўз вақтида экишдан бошлаб, ҳосилга киргунга қадар жараёнларда катта мадад бўлмоқда.

Қишлоқ аҳолисининг кайфияти ниҳоятда баланд. Чунки банкларнинг имтиёзлари ҳар бир хонадон учун қут-барака олиб келиши билан бирга, эртанги кунга бўлган ишончни ҳам мустаҳкамламоқда. Қолаверса, маблағларни банкда сақлаш орқали қўшимча даромад олиш турлари ҳам кенгайиб бораётир. Яна айтадиган бўлсам, институтларга шартнома асосида кириб, ёшларимиз учун таълим кредитлари берилиши ҳам катта савоб иш бўлмоқда.

Албатта, ҳар бир ота-она фарзандини бахтли кўришни истайди. Ана шу ёшларимизнинг бахт тўйлари учун банкларда тўёна кредити жорий этилгани ҳам айни муддао бўлди.

Кези келганда, ёшларимизни, айниқса, коллежларни битирган ёшларни тадбиркорликка йўналтириш, энг муҳими, уларни иш билан таъминлашда банкларимиз ёрдами катта бўлаётганини таъкидлашни истардим.

Шу билан бирга, банкларимизнинг саъй-ҳаракатлари билан хизмат кўрсатиш соҳалари ҳам анча ривожланди. Савдо дўконларида ҳамма маҳсулотлар муҳайё. Харид учун нақд пул ёки тўлов терминалими, фарқи йўқ — барчаси ишлаб турибди. Қарияларимиз банк ходимларини доимо дуо қилишади. Чунки нафақат бизнинг туман, бутун Қорақалпоғистон бўйлаб кўрсатилаётган амалий ёрдами бугун ўз самарасини бўй-басти билан кўрсатмоқда. Истаймизки, банкларимизнинг ишлари бароридан келсин.

Ойбек АСАДОВ, Бухоро вилояти, «Шергирон» ҚФЙ:

— Аҳолига томорқа хўжаликларида маҳсулот етиштириш учун банклар томонидан катта имтиёзлар яратилганлигини амалиётда кўриб турибмиз. Банк ходимлари уйимизга келиб, банкларда мавжуд бўлган имтиёзлар борасида маълумотлар беришмоқда. Мен ҳам шу имтиёзга қизиқиб, ҳовлимизда иссиқхона ташкил этиш мақсадида «Ипотека банк»дан 7,5 млн. сўм кредит сўраб мурожаат қилдим. Бунинг учун ариза, шахсни тасдиқловчи ҳужжат ва таъминот тақдим этдим холос. Қисқа муддат ичида ҳеч бир сансалорликсиз кредит олдим. Бугунги кунда гул кўчатлари етиштириб, туманимиз аҳолисига етказиб бермоқдаман. Даромадим ҳам кўзлаганимдан юқори. Оиламга ҳам, маҳалла аҳлига ҳам ёрдамим тегяпти.

Маҳалламизда яшовчи анчагина одам мен каби банкдан ана шундай кредитлар олиб, ўз бизнесини йўлга қўйган. Баҳонада оила аъзоларимизни ҳам иш билан таъминлаяпмиз. Банкларнинг ана шундай имтиёзлари қишлоқ аҳолиси фаровонлигини таъминлаяпти, эртанги кунга ишончини мустаҳкамлаяпти.

Бир сўз билан айтганда, «мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун» деган ақидага амал қилинаётгани, ҳар икки томон учун манфаат келтирмоқда.

Исломбек АБДУНАЗАРОВ, «Косон ҳамкор сервис» МЧЖ раҳбари:

— Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон! Ушбу сўзлар беихтиёр қалбимизни нурга тўлдиради. Шундай улуғ юрт фарзанди эканлигингиздан, унда яшаётган ҳар бир фуқаронинг инсоний қадр-қиммати Ватаннинг ўзи каби улуғлигидан, ҳар қандай вазият, ҳар қандай ҳолатда мамлакат Президенти ва қадрдон Ватан сизга таянч бўлишидан, Ўзбекистон деган номнинг ўзи дунё бўйлаб ифтихор билан мағрур юришингиз учун юз, минг карра кафолат эканлигидан чексиз-чегарасиз бахт, ҳузур-ҳаловат ҳиссини туясиз. Бугун юртимизда биз ёшларга катта имкониятлар яратилган. Коллежларни тамомлагандан сўнг ким олий ўқув юртида ўз севган мутахассислиги бўйича ўқишни давом эттираётган бўлса, бошқа биров тадбиркорлик қилиб, юрт иқтисодиётига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Мен ҳам 2012 йилда Қарши иқтисодиёт коллежини тугатганман.

Ўқиб юрганимдаёқ банк ходимлари коллежимизга келиб, тадбиркорликни йўлга қўйиш бўйича амалий маслаҳатлар беришарди. Ушанда тадбиркорлик соҳасига қизиқиб, ғишт ишлаб чиқариш лойиҳасини белгилаб олгандим. Ниҳоят, ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга азму-қарор қилдим. Бироқ молиявий маблағ бўлмаса қийин экан. «Ипотека банк»нинг Қашқадарё вилоят филиалига бориб учрашдим. Банк ходимлари лойиҳамни қўллаб-қувватлаб, менга 50 млн. сўм кредит ажратишди. Ушбу маблағга пишиқ ғишт ишлаб чиқарадиган ускуна сотиб олдим. Айни пайтда буюртмачиларга ойига 350-400 минг дона сифатли пишиқ ғишт етказиб бераяпмиз. Соф фойда ойига 3-3,5 млн. сўмни ташкил этмоқда. Даромадимнинг биринчисини ота-онамга бердим. Бугун нафақат оиламга, маҳаллам ободлигига ҳам фойдам тегяпти. Энг муҳими, корхонада мен билан 12 нафар тенгдошим меҳнат қиляпти.

Ишлаб чиқараётган ғиштларимиздан туман аҳолиси ҳовли-жойлар қурмоқда. Ўйлайманки, буларнинг бари муроду мақсадим йўлида ташланган биринчи қадамдир. Банк бор экан, орзуларимиз ушалаверади.

Абдулатиф МАҲМУДОВ, «Моҳинур либослари» МЧЖ раҳбари:

— Бизнесни муваффақиятли йўлга қўяман, деган тадбиркор доимо изланишда бўлиши зарур. Бунинг учун бозорни мунтазам кузатиб, талабга яраша таклиф билан чиқиш, маҳсулот сифати, айниқса, унинг рақобатбардошлигига эътибор қаратиш талаб этилади. Корхонамиз фаолият бошлагандан буён ўтган уч йил мобайнида масаланинг айни шу жиҳатларини устувор тутишга интилдик ва эндиликда тикаётган костюм-шимларимиз ички бозорда ўз ўрнига эга бўлди. Бироқ, бир жойда тўхтаб туриш, хотиржамликка берилиш ярамайди. Чунки, вилоятда бизга ўхшаш тикувчилик билан шуғулланаётган корхоналар жуда кўп. Табиийки, улар ўртасидаги рақобат ҳам шунга яраша. Ҳаракатни озгина сусайтирдингизми, орқада қолишингиз, пировардида, бозордаги ўрнингизни бой беришингиз ҳеч гап эмас. Шунга кўра, бизни дастгоҳларни янгилаш масаласи кўп ўйлантирарди. Тўғри, улар бугунги кун талабига ярайди. Лекин эртага-чи, кун сайин янгиланиб бораётган урф, дизайн, харидорнинг диди ўсиб бораётган талабига жавоб бера оламизми? Ана шундай фикрлар атрофида бош қотириб юрган паллада дилимизда янги ғоя туғилди. Ишлаб чиқаришни модернизация қилиб, технологик ускуналарни замонавийлари билан алмаштирсак, маҳсулотларимизнинг рақобатбардошлиги ортиб, бозордаги мавқеимиз янада мустаҳкамланмайдими? Бу фикр жамоага маъқул тушди. Мутахассислар билан кенгашиб, бизнес лойиҳа тайёрладик. Асосан хорижнинг замонавий тикув ва бошқа зарур ускуналаридан иборат замонавий технологик линияни ишга туширишни кўзда тутган лойиҳанинг молиявий таъминотига ўзимиз мижоз бўлган «Асака» банкнинг Наманган вилоят филиали ёрдам қўлини чўзиб, узоқ муддатли имтиёзли кредит ажратди.

Маблағ масаласи ҳал бўлгандан кейин ишнинг юришиши осон кечар экан. Хориждан замонавий технология келтирилди. У лойиҳа бўйича йилига 12 минг дона костюм-шим ва 25 минг дона шим тикиш қувватига эга бўлиб, машина ва ускуналар компютер асосида бошқарилади. Бундай техникани ҳаракатга келтириш учун, аввало, зеҳни ўткир, уқувли ишчилар керак. Лойиҳа ижроси жараёнида юзага келган қўшимча 30 та янги иш ўринларига ғайратли йигит-қизларни, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини танлов асосида саралаб олдик. Эндиликда кийимлар андозасини олишдан дазмоллашгача бўлган жараёнларни пишиқ-пухта бажаришнинг уддасидан чиқаётган бу ёшларнинг ўзи тайёрлаётган маҳсулоти обрў-эътибори учун жон куйдираётганини кўриб, гапнинг рости, тўлқинланиб кетаман.

Бугун киши кўрса ҳавас қиладиган тикувчилик фабрикасига эгамиз. Чеварларимиз қўлидан чиқаётган костюм-шимлар импорт ўрнини бемалол босади. Бу, энг аввало, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси ривожига қулай шарт-шароит яратиб берилгани, хусусан, уларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда тижорат банклари имкониятларидан оқилона фойдаланилаётганлигининг ёрқин бир мисолидир. Унга жавобан янада астойдил меҳнат қилиб, бозорни юқори сифатли истеъмол моллари билан тўлдиришга муносиб ҳисса қўшиш жамоамизнинг бош шиорига айланган. Шу маънода «Асака» банк жамоасининг молиявий хизматидан, мижозларга самимий муносабати ҳамда беғараз маслаҳатларидан миннатдормиз. Бундан кейин ҳам ушбу молия муассасаси билан яқин ҳамкорлик қилиб, янгиянги истиқболли лойиҳаларни рўёбга чиқариш ниятидамиз.

Зоир АБДУЛЛАЕВ, «Zaminteks Iplik» МЧЖ раҳбари:

— Корхонамиз гилам тўқиш учун ишлатилаётган текстураланган синтетика ипларини ишлаб чиқармоқда. «Ориент Финанс» банкининг Чилонзор филиали томонидан ажратилган кредит маблағлари ҳисобига янги дастгоҳ сотиб олиб, фаолиятимизни кенгайтирдик. Шу тариқа пул маблағлари айланмаси ҳам ортди. Ўтган йили 15 дан ортиқ иш жойи ташкил этилди.

Молиявий кўмак бергани учун «Ориент Финанс» банкининг Чилонзор филиалига ўз миннатдорчилигимизни билдирмоқчимиз. Бу банкда кредитлаш механизми тизимли йўлга қўйилгани, кредитлар максимал тезлик билан кўриб чиқарилиши мижозларга ўта қулайлик туғдирмоқда.

Сурайё ИСМАТОВА, коллеж битирувчиси:

— Фермерларнинг фаолият тури тобора кўпайиб, улар томонидан чорвачилик, паррандачилик, полиз, сабзавот маҳсулотлари, мева етиштиришни кўпайтиришга, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга, ҳосилдорликни оширишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Биз ҳам халқимиз дастурхонини арзон гўшт ва сут маҳсулотлари билан тўлдиришга астойдил бел боғладик ва оилам билан маслаҳатлашиб, чорвачиликни ривожлантириш йўлини танладик. Шу мақсадда нуфузли банклардан бири бўлган «Савдогар банк»нинг Қашқадарё вилояти филиалига мурожаат қилдик. Банк маъмурияти қисқа фурсатда зарур бўлган кредит маблағини ажратиб берди. Мақсадимиз — қорамоллар наслини яхшилаш, кўпайтириш ва янги иш ўринлари барпо этишдир.

Ёш тадбиркор сифатида юртимиз аҳолиси дастурхонини сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш бўйича мамлакатимизда олиб борилаётган улкан ишларда ўзимнинг камтарона меҳнатим билан иштирок этиш ниятидаман.

Шукурулло УБАЙДУЛЛАЕВ, «Мўмин Ширин бизнес» МЧЖ корхонаси раҳбари:

— Имтиёзли кредитни олишда ҳеч қандай қийинчиликка учрамадик. Кредит маблағини туникали профнастил ишлаб чиқаришга мўлжалланган дастгоҳ сотиб олишга йўналтирдик. Натижада, қўшимча 4 та иш ўрни яратилди. Корхонамиз мамлакатимиз аҳолисининг уй-жой шароитларини яхшилашга, қурилиш ташкилоти сифатли ва замонавий хом ашё билан таъминлашга кўмаклашаётир. Бу эса Президентимиз ташаббуслари билан қишлоқ жойларда уй-жойларни замон талаблари асосида қуриш ва аҳоли турмуш маданиятини оширишга оид чора-тадбирларнинг амалдаги ифодасидир. Бошлаган ишимиз билан мамлакатимиз тараққиётига ҳисса қўшаётганимиздан мамнунмиз.

Аслида, бозор иқтисодиётининг тамойилларидан бири кучли рақобатдир. Кичик бизнеснинг ривожи бозорда рақобатбардош маҳсулотлар кўламини кенгайтирди. Ҳалол, изланувчан, ишбилармон тадбиркор учун соғлом рақобат фақат ғайратшижоат беради. Асосийси, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатли ва ҳамёнбоп бўлса, албатта, ўз харидорини топади. Корхонамизда ишлаб чиқараётган маҳсулот мижозлар эътиборида эканлиги фаолиятимизга берилган энг яхши баҳодир.

Шокир МАМАТОВ, Якка тартибдаги тадбиркор:

— Халқимизнинг турмуш шароитини яхшилаш, фаровон ҳаёт кечиришини таъминлаш йўлида фидойилик кўрсатаётган тадбиркорларга катта имкониятлар яратиб берилмоқда. Хусусан, қўлигул ҳунармандларнинг қўллаб-қувватланаётганлиги фаолият турларини янада кенгайтириш имконини бермоқда. Таъкидлаш жоизки, ҳунармандларимизга тижорат банклари томонидан берилаётган кўмак айни муддао бўлаётир.

«Савдогар банк»нинг Қашқадарё филиали ҳам ҳунармандчиликни ривожлантиришга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келаётир. Мен ҳам якка тадбиркор бўлиб иш бошлаш учун банкдан 25 млн. сўм кредит олиб, чиройли ва бежирим эшик, деразалар ясашни йўлга қўйдим.

Бугун вилоятимизда мен каби кўплаб дурадгорлар ҳунармандчиликнинг кенг тарқалган йўналишларида ўз фаолиятларини юритиб келишмоқда. Эришаётган ютуғимизда банкнинг ёрдами ниҳоятда катта, албатта.

Иззат НАСИРОВ, «Ангрен истиқлол барака» фермер хўжалиги раҳбари:

— Юртимизда фермер хўжаликларини ривожлантириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. 2012 йилда яхши ниятлар билан аҳолига сифатли сабзавот маҳсулотларини етказиб бериш учун иссиқхона қурдик. Албатта, иссиқхона қуриш ўз-ўзидан бўлмайди. Бунда бизга «Қишлоққурилишбанк»нинг туман бўлимидан олган 220 млн. сўмлик кредит катта мадад бўлди.

Айни кунда иссиқхонамизда етиштирилган сархил сабзавот маҳсулотлари туман аҳолиси дастурхонини обод этиш билан бирга, бозорларимиз тўкинлигини таъминлаётир. Шу ўринда банкларнинг биз фермерларга кўрсатаётган хизматидан беҳад мамнунмиз. Қарангки, банкнинг ёрдами билан ҳам ўз маблағимизга эга бўлдик, ҳам халқимизга наф келтира бошладик. Биз ангренлик фермерлар яратиб берилаётган бундай имтиёзлар учун банкларга ўз миннатдорлигимизни билдирамиз.

Насиба ИСМАТОВА, «Ishonch» мухбири



ЎзА суратлари

Реклама ўрнида

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari: Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati: Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadaliyev, Oksana Belausova, Sog'indiq Niyetullayev, Eson Rajabov, Jahongir Sharofboyev (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan. ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Hududlardagi muxbirlar: Andijon + 998 91 141-27-70; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-68-99; Farg'ona + 998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 91 268-92-32; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: N.Rafiqov
Navbatchi: S.Abdurahmonov
Musahhih: S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti - 19.50
Topshirildi - 20.20

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin. Buyurtma Г — 318 | 22561 nusxada bosildi | 1 2 3 4